



ЖАМОАТ ҲАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА  
ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ВА ЙЎЛ  
ҲАРАКАТИ ҲАВФСИЗЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ  
ҲАМКОРЛИГИ

Ҳимматов Исмоил Ибрагимович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси фаолияти кафедраси доценти, полковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20568676>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 11-may 2026 yil  
Ma'qullandi: 15-may 2026 yil  
Nashr qilindi: 31-may 2026 yil

KEY WORDS

Жамоат ҳавфсизлиги, профилактика инспекторлари, йўл ҳаракати ҳавфсизлиги хизмати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-транспорт ҳодисаси, биринчи тиббий ёрдам, йўл инфратузилмаси, мамурий жавобгарлик, талим ва қонунчилик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада жамоат ҳавфсизлигини таъминлашда профилактика инспекторлари ҳамда йўл ҳаракати ҳавфсизлиги хизмати ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Йўл транспорт ҳодисасининг келиб чиқиши сабаблари, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олишда ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Профилактика инспекторлари ва йўл ҳаракати ҳавфсизлиги ходимларининг ҳуқуқбузарликларнинг олиш, йўл-транспорт жараёнларини таъминлаш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш ва таълим жараёнида профилактикани ташкил этишдаги механизмлари таҳлил қилинган. Мақолада ушбу соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича илмий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқариш чикилган.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили қарийб 1,4 миллионга яқин одам йўл транспорт ҳодисалари қурбонига айланади. Ўзбекистонда йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш борасида ижобий ишлар амалга оширилаётган бўлишига қарамасдан, ушбу соҳадаги ишимизни такомиллаштириш, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва уни жорий этиш зарур<sup>1</sup>.

Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги соҳасида ўз ечимини кутаётган кўплаб тизимли муаммолар мавжудлигини 2023 йил давомида республикамизда 9 839 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларнинг 19,8 фоизи (1 949 та) инсон ўлими билан яқунланганлиги<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Бош прокуратура Академияси веб сайти://proacademy.uz/uz-cyr/news/view?alias=890

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисига 2023 йилякуни бўйича Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахбороти

яққол кўрсатиб турибди.

Сўнгги йилларда йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш масалалари фуқароларимизни, ваколатли давлат органларини, кенг жамоатчилик вакилларини, умуман олганда, жамиятимизни ўйлантириб келаётган асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шу сабабли 2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясининг 11-бандида илғор хорижий тажрибага таянган ҳолда йўл ҳаракатини ташкил этишда ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг фаолиятини ва ўзаро ҳамкорлигини "Равон йўл" тамойили асосида ташкил этиш, мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ваколатлари доирасини аниқ белгилашни назарда тутган ҳолда, ушбу соҳадаги муносабатларни тўғридан-тўғри қонун нормалари билан тартибга солиш, "Йўл - пиёда учун" тамойилини кенг жорий этиш; 12-бандида, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини мунтазам равишда қасддан бузувчиларга, оғир оқибатларга олиб келган йўл-транспорт ҳодисаларини содир этганларга нисбатан жавобгарлик чораларини кучайтириш, шу жумладан илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан узоқ муддатга маҳрум қилиш тарзидаги жиноий-ҳуқуқий таъсир чорасини жорий қилиш белгиланди<sup>3</sup>.

Бу жабҳада йўл ҳаракати қатнашчилари хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтириш, соҳага кириб келаётган янгиликларнинг қонуний асосларини яратиш ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш керак. "Қонун чиқарувчи орган, ҳуқуқ ижодкорлиги билан шуғулланадиган барча субъектлар,- дейди Ҳ.Т.Одилқориев,- ҳуқуқий тартибга солишда қанчалик омилкорлик билан иш тутиб мукаммаликка эришса, ҳуқуқий ҳаёт шунчалик барқарор ва мўътадил бўлади, ижтимоий муносабатлар тизимида изчил батартибликка эришилади. Бунинг учун улар ҳуқуқий соҳада имкони борича тўлдирилмаган жабҳалар (бўшлиқлар) кам бўлишига интилишлари лозим"<sup>4</sup>.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирда мамлакатимизда ушбу соҳа қатор қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинганлигига ва турли дастурлар, стратегиялар доирасида янада такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган амалий ишларга қарамасдан йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги муаммолар ҳамон сақланиб қолмоқда ва алоҳида эътиборни талаб қилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини назорат қилишлари, белгиланган тезлик чегарасини, қувиб ўтишни, хавфсизлик камарларидан фойдаланишни ва йўлда хавфсизликка таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа жиҳатларни назорат қилишлари билан бирга, транспорт воситаларининг техник талабларга мувофиқлигини ва зарур ҳужжатлар мавжудлигини текширадilar. Йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишдан ташқари, профилактика ишларини олиб борадилар, фуқароларни йўлнинг хавfli қисмлари, йўлларни таъмирланаётганлиги ва бошқа муҳим жиҳатлари тўғрисида хабардор қилиб борадилар. Шунингдек, йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган тақдирда терговолди текширув ишларини ўтказиш билан бирга биринчи ёрдам кўрсатиш ва махсус хизматларни чақириш орқали ёрдам кўрсатишлари мумкин.

<sup>3</sup> [https://nrm.uz/contentf?doc=676900\\_2022-2025](https://nrm.uz/contentf?doc=676900_2022-2025) йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси.

<sup>4</sup>Одилқориев Ҳ.Т. Қонунчиликдаги бўшлиқлар ёки ҳуқуқий тартибга солиш чегараларини белгилаш муаммолари. // Ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари.-Т.: ТДЮИ, 2009. Б.23.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторларига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишда катта масъулият юкланган бўлиб, уларнинг профессионаллиги, эҳтиёткорлиги ва фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёр туриши жамоат хавфсизлигини таъминлашда асосий рол ўйнайди. Шуни эсда тутиш керакки, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторларига ҳурмат барча иштирокчилар учун йўлларда хавфсиз ва қулай муҳит яратишга ёрдам беради. Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари ва профилактика инспекторлари ҳар бири ўз фаолият соҳасида жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Иккала касб ҳам ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Шундай экан йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари ва профилактика инспекторларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш функциялари ўртасида узвий боғлиқликлар бор.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари фаолияти кўпроқ йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга ихтисослашган. Профилактика инспекторлари, ўз навбатида, маълум бир ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланадилар. Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари ва профилактика инспекторларининг умумий мақсади жамоат хавфсизлигини таъминлашдир. Иккала фаолият ҳам жамият манфаати учун ишлайди, ҳуқуқбузарликлар, бахтсиз ҳодисалар ва қонунлар бузилишининг олдини олади, яъни йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари ва профилактика инспекторлари жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим вазифаларни бажарадилар ва барча фуқаролар учун хавфсиз ва қонунларга бўйсунувчи муҳитни ташкиллаштиришда ҳамкорлик қиладилар. Уларнинг иши ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради, бу қонун устуворлигини мустаҳкамлашга ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам беради. Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари ва профилактика инспекторларининг йўл транспорт ҳодисалари ёки бошқа бахтсиз ҳодисаларни олдини олишда ўзаро ҳамкорлигини қуйидагиларда кўриш мумкин: **биринчидан**, воқеа содир бўлган жойга чақирув берилганда ёки йўл транспорт ҳодисаси ҳақида маълумот олингандан сўнг, воқеа жойига профилактика инспектори келиши, йўл ҳаракат хавфсизлиги инспектори билан бирга жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш ва йўлда хавфсизликни таъминлаши, автоҳалокат ҳолатларини текшириш ва воқеа сабабларини аниқлаш учун ҳамкорликда иш ташкил қилади; **иккинчидан** қўшма терговолди текшириш ўтказишда яъни профилактика инспектори ва йўл ҳаракат хавфсизлик инспектори бахтсиз ҳодисани текшириш учун биргаликда ишлаши, айниқса жиддий жароҳатлар бўлса ёки бахтсиз ҳодиса натижасида одамлар вафот этган тақдирда воқеа ҳолатларини аниқлаштириш учун далилларни тўплаш, гувоҳлар билан суҳбатлашиши, видеорегистраторлар ва бошқа қурилмалардан маълумотларни таҳлил қилади; **учинчидан** профилактика инспектори ва йўл ҳаракат хавфсизлик инспектори биргаликда йўл транспорт ҳодисаси чизма схемасини, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва бошқа зарур ҳужжатларни тузишлари бу эса йўл транспорт ҳодисаси айбдорини аниқлашга ва тегишли чораларни кўришга ёрдам беради; **тўртинчидан** профилактика инспектори ва йўл ҳаракат хавфсизлик инспектори йўлларда содир қилинган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича ўзаро маслаҳатлашиши, қоидабузарлар ёки йўлнинг хавфли қисмлари ҳақида маълумот алмашиши бу эса йўлларда хавфсизликни янада самарали таъминланиши ва мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш имконини беради; бешинчидан таълим муассасаларида профилактика инспектори ва йўл ҳаракат хавфсизлик инспектори ҳамкорликда вояга етмаган ўқувчиларга йўл ҳаракат хавфсизлик қоидаларига риоя этиш мавзусида ҳамкорликда ташвиқот тарғибот ишлари олиб боради.

Шундай қилиб, йўл ҳаракат хавфсизлик инспекторлари ва профилактика инспекторлари фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жавобгарларни аниқлаш ва келажақда шунга ўхшаш ҳолатларнинг олдини олиш учун йўллардаги бахтсиз ҳодисалар ва бошқа бахtsiz ҳодисаларни текширишда ҳамкорлик қиладилар. Уларнинг биргаликдаги иши ҳаракатни янада самарали бошқариш ва жамоат хавфсизлигига ёрдам беради.

Ички ишлар органлари профилактика инспекторларига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 114, 122, 123-моддаларида, 127-моддасида (товуш сигналини сабабсиз беришга доир қисмида), 128-6-моддасида, 147-моддасининг биринчи қисмида (автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қозиш, уларда сунъий нотекистиклар ва тўсиқлар яратганлик, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаганлик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузганлик учун), 148-моддасида (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун) кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар учун мустақил жавобгарликка тортиш ваколоти берилганлиги бу борадаги фаолиятнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Йўлларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва такомиллаштиришни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш бизнинг нуқтаи назаримизда бугунги кун учун долзарб, жумладан:

1. Мактаблар олдида тезликни назорат қилувчи радарлар ўрнатиш, мактаб ўқувчилари учун хавфларни камайтиришга ёрдам беради;
2. Умумтаълим мактабларида профилактика инспекторлари ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг ҳамкорликдаги йўллардаги хавф-хатарлар ва хавфсиз ҳаракатланиш қоидалари тўғрисида болалар, ёшлар ва катталарга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш, бахтсиз ҳодисаларни камайтириш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилашга ёрдам беради;
3. Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш, хавфсиз пиёдалар, велосипед йўлакларини қуриш, светофорлар, йўл белгилари ва бошқа воситаларни ўрнатиш, барча йўл ҳаракат иштирокчилари учун янада қулай ва хавфсиз муҳитни таъминлайди;
4. Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтирувчи қонунлар қабул қилиш, чунки бир қатор мамлакатларда йўл ҳаракати қоидабузарликлари, жумладан, маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш, тезликни ошириш, транспортни бошқариш пайтида мобил қурилмалардан фойдаланиш ва бошқа хавфли ҳаракатлар учун катта жарималар жорий этилган. Бу бахтсиз ҳодисалар сонини камайтиришга ва ҳайдовчиларнинг жавобгарлигини оширишга ёрдам беради;
5. Халқаро ҳамкорлик дастурларидан фойдаланиш, бунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар томонидан дунёнинг турли мамлакатларида йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш ва йўл ҳаракати иштирокчилари хавфсизлигини ошириш бўйича дастурларда иштирок қилиш.

Ушбу йўналишлар жамият учун йўлларда хавфсиз шароитлар яратиш ва йўл ҳаракат иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш нечоғлик муҳимлигини кўрсатади.

*Хулоса сифатида шунни айтиш мумкинки, йўлларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва такомиллаштириш соҳасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, бахтсиз*

*ҳодисалар сонини сезиларли даражада камайтириш ва йўлларда хавфсиз харакатланиш маданиятини шакллантиришга ёрдам беради.*

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ниматов Ш. Н. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масала сифатида //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-140.
2. Атажанов У. М. и др. теоретический анализ взаимосвязи цифровой криминалистики и деятельности инспекторов профилактики по организации и координации профилактики правонарушений в условиях цифровизации общества //journal of innovations in scientific and educational research. – 2025. – Т. 8. – №. 5. – С. 127-135.
3. ugli Gafurov A. A., oglu Mustofaqulov B. A. improving the effective system of personnel training in the crime prevention service //international scientific conference "scientific advances and innovative approaches". – 2024. – Т. 1. – №. 2. – С. 16-22.
4. Бобур М., Ўғли А., Рўзиев Ж. С. Ў. профилактика инспекторининг профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлашда яқка тартибдаги профилактика чоратадбирларини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 10-16.
5. Мустофақулов Б., Улуғбеков В. профилактика инспекторининг вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жиноятларининг профилактикасини такомиллаштириш //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2025. – Т. 2. – №. 2. – С. 81-85.
6. Мустофақулов Б. и др. профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш фаолияти //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2025. – Т. 2. – №. 1, 2-qism. – С. 64-71.
7. Мустофақулов Б. А. Ў., Сатторов Ш. Ш. кибержиноятлар доирасида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Academic Research. – 2025. – Т. 3. – №. 4-3. – С. 106-110.
8. Мустофақулов Б. А. Ў., Ибрагимов А. Ш. Ў. профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар тўғрисида ҳабардор қилишни такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 2. – С. 22-26.
9. Мустофақулов Б. А. Ў., Алламуратов А. С. У. профилактика инспекторларининг аҳоли олдида ҳисобот беришда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 67-72.
10. Мустофақулов Б. А. Ў., Фозилов Х. Х. Ў. профилактика инспекторининг маъмурий ҳудуддаги ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 5. – С. 32-36.